


## VIII. ИСТЕММОЛ БОЗОРИ

Вилоят бўйича жорий йилнинг январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 8851,4 млрд.сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 % ни ташкил қилди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 654,9 млрд.сўмни (ўсиш суръати 107,2 %), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 8196,5 млрд.сўмни (ўсиш суръати 103,4 %), шундан уюшмаган савдо товар айланмаси 646,0 млрд.сўмни (ўсиш суръти 102,3 %) ташкил этди.

**Чакана савдо товар айланмаси (овқатланишни қўшган ҳолда)таркиби,  
фоизда  
(2018 йил январь-декабрь ҳолатига)**




2018 йилнинг январь-декабрида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича қўйидагича ифодаланади.

Давлат мулки 2,6 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,03 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулки 8848,9 млрд. сўмни умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,97 % ни ташкил қилди.


Чакана савдо товар айланмаси ҳажмда катта улушга эга бўлган Қарши шахри 24,7%, Косон 9,8%, Чироқчи 8,5%, Қамаши 7,0% ва Китоб 6,4% ни ташкил этган бўлса, Муборак тумани 3,1%, Шахрисабз тумани 3,7% Қарши тумани 3,8% улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.

**Қашқадарё вилоятида туман ва шаҳарларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши, фоизда**



Жумладан, 2018 йилнинг январь-декабрь ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,2 % ни ташкил этиб, 195,9 млрд.сўмга етди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,7 % ўсишга эришилди. Бунда жами савдо айланмасининг 88,1 % улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушкига тўғри келмоқда.

## Туманларнинг умумий овқатланишдаги улуси, фоизда



Умумий овқатланиш корхоналарини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 2782,7 минг.сўмни ташкил этди. Ўртacha жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Қарши шаҳрида (8128,1 минг.сўмни), Шахрисабз шаҳрида (3698,8 минг.сўмни), Миришкор туманида (3585,3 минг.сўмни), Муборак туманида (3161,1 минг.сўмни) кузатилди.


**Чакана товар айланмаси умумий (умумий овқатланишни қўшган ҳолда)**  
**(2018 йил январь-декабрь)**

	<b>Жами</b>		<b>Аҳоли жон бошига</b>	
	<b>млрд. сўм</b>	<b>2017 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</b>	<b>минг. сўм</b>	<b>2017 йил январь-декабрга нисбатан, % ҳисобида</b>
<b>Кашқадарё вилояти</b>	<b>8851,4</b>	<b>103,7</b>	<b>2782,7</b>	<b>101,7</b>
Ғузор	333,8	103,4	1690,3	101,7
Дехқонобод	449,4	103,3	3160,1	101,1
Қамаши	617,3	103,5	2354,5	101,5
Қарши	334,1	103,6	1397,2	101,4
Косон	870,9	102,5	3163,7	100,4
Китоб	564,7	104,9	2200,8	103,0
Миришкор	414,6	105,2	3583,5	103,4
Муборак	273,6	106,2	3261,1	104,2
Нишон	355,7	106,5	2423,3	103,7
Касби	388,6	104,2	2046,2	102,2
Чироқчи	755,8	104,0	1914,4	101,4
Шахрисабз	327,8	105,1	1514,3	102,9
Яккабоғ	472,6	103,8	1852,5	101,6
Қарши ш	2189,7	102,8	8128,1	101,6
Шахрисабз ш	502,7	102,7	3698,8	101,6

Йил бошидан вилоят бўйича улгуржи савдо товар айланмаси 2346,8 млрд.сўмни ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 % ўсишни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмасида энг юқори ҳажм кичик тадбиркорлик субъектларига тўғри келиб, мазкур ҳажм 2018 йил январь-декабрь ойлари якунларига кўра, 1242,5 млрд.сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,9 % га ўсди. Ушбу секторнинг умумий улгуржи савдо айланмасидаги улуши эса 52,9 % ни ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич бошқа туманлар билан таққосланганда, Қарши шаҳрида (35,0%), Шахрисабз шаҳри (95,5%) ва Қарши тумани (99,9%) туманларида юқори бўлган.

### **Қашқадарё вилоятида ҳудудларнинг улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши, фоизда**



Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси 16,9% га кўпайиб, 1242,5 млрд.сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 52,9 % ни ташкил қилди.

**Үлгуржи савдо товар айланмаси**  
**(2018 йил январь-декабрь)**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % ҳисобида</i>
<b>Қашқадарё вилояти</b>	<b>2346,8</b>	<b>100,0</b>
Ғузор	16,6	0,7
Дехқонобод	13,5	0,6
Қамаши	18,4	0,8
<b>Қарши</b>	<b>109,9</b>	<b>4,7</b>
Косон	78,4	3,3
Китоб	61,0	2,6
Миришкор	15,4	0,7
Муборак	36,3	1,6
Нишон	79,2	3,4
Касби	13,8	0,7
Чироқчи	89,5	3,8
Шахрисабз	32,2	1,4
Яккабоғ	46,4	2,0
<b>Қарши ш.</b>	<b>1660,4</b>	<b>70,5</b>
Шахрисабз ш.	75,7	3,2